

**ШАРТНОМА № 5**

(дезинфекция ишларини бажариши ҳақида)

2022 йил "25" январь

Марғилон шаҳри

Ушбу шартнома бир тарафдан келгусида "Иш бажарувчи" деб номланувчи Марғилон Дезинфекция станцияси бош врач в.б. А.Абдурахимов ва иккинчи томондан "Буюртмачи" деб номланувчи Марғилон шаҳар мактабгача таълим бўлими мудири Х.Курбанова низомга асосланган ҳолда, қуйидагилар ҳақида ушбуни тузидилар.

**1. Шартнома предмети ва ҳажми.**

1.1 "Иш бажарувчи" қуйидагича профилактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишларини бажаради.

m / p	Ишларнинг турлари	Ўлчов бирлиги	Иш ҳажми м <sup>2</sup>		Нархи (сўм)*м <sup>2</sup>	Йиллик тўлов суммаси
			Физик майдон	Оператив майдон		
1	Профилактик дезинфекция	м <sup>2</sup>	0	728571	70	50999970
2	Дезинсекция	м <sup>2</sup>				
3	Суваракка	м <sup>2</sup>				
4	Кемирувчига	м <sup>2</sup>				
5	СДУ (ёзги)	дона				
6	СДУ (қишги)	дона				
7	С.Д.У. дезинфекция	дона				
<b>Ж А М И :</b>						<b>50999970</b>

**1.2. Бажариладиган ишларнинг ойлар бўйича тўлов жадвали**

январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
16999990	16999990	16999990									

1.3. «Иш бажарувчи» иморатни, бинони, хоналарни, ховли санитария қурилмаларини, худуднинг бинолар қурилмаган қисмларини ишлов бериш тартибини ва муҳлатини белгилайди.

1.4. «Буюртмачи» шартномага барча ер майдонларини техник ҳолат хизмат кўрсатиш бюроси (БТИ) томонидан берилган техник паспорт асосида белгилайди.

**2. Шартнома қиймати ва тўлов тартиби.**

2.1. Умумий қиймати : **Эллик миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз етмиш сўм.**

2.2. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Олдиндан тўлов бажарилаётган иш ҳажминини 30 % миқдорида ўтказиб берилади.

**3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Буюртмачи:

3.1. Ишлов берилаётган объектларда барча хавфсизлик техникаси чораларига амал қилинишини таъминлаш (қўлланиладиган дезинфекцияловчи моддага нисбатан) «Иш бажарувчи»нинг талабига асосан дезинфекция тадбирларини ўтказиш учун объектларни ёпиш жадвалини топшириш.

3.2. «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган ишларни сифатсизлиги аниқланса 3 (уч) кун ичида «Иш бажарувчи»га рекламация билдириш.

3.3. Биноларни ишлов бериш учун ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш.

3.4. Дератизация ўтказувчи шахслар учун ишлашга қулай шароит яратиб бериш.

3.5. Барча хоналарга кириш имконини таъминлаш, уларни ёритиш, электр хавфсизлигини таъминлаш, ертўлаларни сувдан тозалаш ва қуриштириш ва бошқа хавфсизлик техникасини ва меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини таъминлаш.

Иш бажарувчи:

3.7. «Иш бажарувчи» профилактик дезинфекция ишларини олиб боришда Ўз.Рес.ССВлиги томонидан рухсат этилган дез.моддаларни қўллашни.

3.8. Рухсат этилган ва амалийда қўлланилаётган ташкилий-методик кўрсатма ва йўриқномаларга асосан ишланади.

3.9. «Буюртмачи»га ишлатилаётган дез.моддалар ҳақидаги эҳтиёт чораларини тушунтириш.

3.10. «Буюртмачи» объектига кемирувчи ва хашаротларнинг кириб келишининг олдини олиш мақсадида профилактик текширув ва ишлов беришни.

3.11. «Буюртмачи» томонидан билдирилган рекламациядан сўнг уч кун ичида «Иш бажарувчи» ўз ҳисобидан ишларни қайта бажариб бериш.

**4. Томонларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари.**

4.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши кураш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

4.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб

қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

4.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

#### 5. Форс-мажор.

5.1. Томонлар ўз иш вазифаларини бажариш жараёнида бирор табиий ҳодиса рўй берган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг бирор фавқулоддаги ҳолат масаласида чиқарилган фармон ва низомларини эълон қилинганда, корхонада бирор ички авариялар бўлган ҳолларда ва шуларни бартараф этишга сарфланган кунлар ҳисобига вазифани бажариш шу кунга узайтиришни эътиборга олинади.

5.2. Агар форс-мажор ҳолати 60 кундан зиёд давом этган тақдирда томонлардан ҳар бири шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришни рад этиши мумкин. Бу ҳолда томонлар бажарилган мажбуриятлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилишлари керак.

5.3. Форс-мажор ҳолати натижасида бир томонда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш мумкин бўлмаса, қисқа муддат ичида иккинчи томонни форс-мажор ҳолати пайдо бўлганлиги тўғрисида хабардор қилинади.

5.4. Форс-мажор ҳолатини тасдиқлаши учун томонлар ўрнатилган тартибда ваколатга эга бўлган давлат идораларидан керакли ҳужжатларни тақдим этадилар.

5.5. Форс-мажор пайдо бўлган ҳолатда ҳар бир томон кўрган зарарлари учун ўзи жавобгардир.

#### 6. Тарафларнинг моддий жавобгарлиги.

6.1. «Буюртмачи» ҳар ойда бажарилган иш учун тўловни 10 кун муддат ичида амалга оширади.

6.2. Кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 % миқдорида пеня тўлайди.

6.3. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиб берилгандан кундан бошлаб 10 кун ичида ишни бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4% миқдорида пеня тўлайди.

6.4. Тарафлар пеня миқдорини асосий қарзнинг 50 % дан ошмаган ҳолда амалга оширадилар.

6.5. Тарафларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа моддий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

6.6. «Иш бажарувчи» кемирувчилар ва ҳашаротлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарликни ўз бўйнига олмайди, чунки унинг фаолияти уларнинг сонини камайтиришга қаратилган.

#### 7. Шартноманинг бошқа шартлари.

7.1. Тарафлар ўртасидаги низолар ўзаро ҳал қилинади, агарда ўзаро ҳал этилмаса, вилоят иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

7.2. Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 366-моддасида кўрсатилган талаблари бажарилганда ва икки томон имзолагандан сўнг кучга киради.

7.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси "Иш бажарувчида, иккинчиси эса "Буюртмачида сақланади.

7.4. Шартнома икки томонлама имзоланиб, бюджет ташкилотлари учун ғазначилик бошқармаси (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

7.5. Шартнома 2022 йил «25» 01 дан 2022 йил "31" декабрғача амал қилади.

#### 8. Тарафларнинг реквизитлари:

##### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

Марғилон Дезинфекция станцияси  
Адрес: Янги Марғилон шаҳарчаси  
А.Хамза кўча 10 уй  
Тел:\факс:73- 237-56-98  
Хр: 20208000300215681001  
Банк номи: Асака банк  
Фаргона вилоят филиали  
МФО: 00539 ИНН:200140762  
ОКОНХ: 91530

##### «БУЮРТМАЧИ»

Адрес:  
Тел:\факс:  
х/р

ИНН

ОКОНХ:

ғазначилик бўлими номи:

Молия вазирлиги ғазначилиги

х.в.23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк ХККМ


МФО: 00014

ИНН 201122919



Бош врач в.б.

А.Абдурахимов



Раҳбар

Х.Курбанова